

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ХОДЖИЕВ АЛИШЕР КУЛДАШЕВИЧ

**СУВ ОМБОРИ ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИНИНГ ЎЗАН ЖАРАЁНЛАРИГА
ТАЪСИРИ (ТУЯМЎЙИН ГИДРОУЗЕЛИ МИСОЛИДА)**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ходжиев Алишер Кулдашевич

Сув омбори гидрологик режимининг ўзан жараёнларига
таъсири (Туямўйин гидроузели мисолида)..... 3

Ходжиев Алишер Кулдашевич

Влияние гидрологического режима водохранилищ на
русловые процессы (на примере Туямуюнского гидроузла).... 21

Khodjiev Alisher Kuldashevich

Influence of hydrological regime of reservoirs on the channel
processes (in case of Tuyamuyun Hydro Complex)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
References..... 43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ХОДЖИЕВ АЛИШЕР КУЛДАШЕВИЧ

**СУВ ОМБОРИ ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИНИНГ ЎЗАН ЖАРАЁНЛАРИГА
ТАЪСИРИ (ТУЯМЎЙИН ГИДРОУЗЕЛИ МИСОЛИДА)**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T964 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифаси (www.title.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Икрамова Малика Раҳимбердиевна
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Гловацкий Олег Яковлевич
техника фанлари доктори, профессор

Фатхуллоев Алишер Мирзатиллоевич
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSC.27.06.2017.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «_____» _____ 2019 й. соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори-Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871) 237-22-09, 237-19-61; факс: 237-54-79; e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори-Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz

Диссертация автореферати 2019 йил _____ куни тарқатилди.
(2019 йил _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Султанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.А.Янгиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.д., профессор

А.М.Арифжанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда сувни бошқариш иншоотларининг юқори бъефида бўладиган гидрологик жараёнларни илм-фаннинг замонавий ютуқларидан фойдаланиб аниқлаш усуллариини такомиллаштириш, улардан бесамар йўқотилаётган сув миқдорини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан, сув омборларини эксплуатацион ишончилигини ошириш ва лойқа босиш жадаллигини пасайтириш ҳамда уларнинг фойдали ҳажмини ҳисоблашнинг такомиллашган усуллариини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан АҚШ, Франция, Германия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва бошқа ривожланган мамлакатларда сув омборларини барпо этиш, геоахборот технологиялари ёрдамида лойқа босиш ҳолатларини таҳлил қилиш ва уларни ишончли ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда сув омборлари гидрологик режимининг ўзан жараёнига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни камайтиришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, сув омборларини эксплуатация қилиш натижасида вужудга келадиган салбий омилларни ҳисобга олган ҳолда сув омбори ҳажмини ҳисоблаш усуллариини такомиллаштириш ва салбий омилларни бартараф этиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда республикамызда халқ хўжалиги барча тармоқларининг сувга талабини кафолатли қондириш мақсадида сув омборларини қуриш ва модернизация қилишга катта эътибор қаратилиб, улардан бўладиган сув исрофларини, лойқа босишини олдини олиш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда такомиллаштириш имкониятларини берувчи гидравлик ва гидрологик ҳисоблашларнинг янги замонавий усуллариини яратишга катта эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “....миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорациява ирригация объектларини ривожлантириш”¹ вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан йилнинг сувлилик даражасини ҳисобга олиб, сув омборларининг иш режимини замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

«Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соҳага тегишли мавжуд илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, сув омборлари қурилгандан сўнг юқори бьефда лойқа босиш жараёни юзага келади, натижада ўлик ҳажм лойқага тўлгандан сўнг фойдали ҳажмни ҳам лойқа босиши кузатилади ва сув омборининг самарадорлиги камаёди. Бу муаммоларнинг ечимини топиш дунё олимларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб келган. Юқори бьефдаги деформацияланиш жараёнини ўрганиш, дала тадқиқот ишлари маълумотига асосланган усуллардан фойдаланиб лойқа ҳажмини ҳисоблаш масалалари устида И.И. Леви, С.Т. Алтунин, Г.И. Шамов, М.А. Великанов, А.В. Караушев, А.Н. Гостунский, К.И. Россинский, И.А. Кузьмин, М.А. Мостков, И.А. Молдованов, И.А. Шнеер, В.Г. Саноян, В.С. Лапшенков каби олимлар изланишлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда ўзан ва оқим хусусиятларининг узлуксиз ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда лойқа ҳажмини аниқлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш устида А.М. Мухамедов, К.Ш. Латипов, И.А. Бузунов, А.М. Арифжанов кабилар ишлаганлар. Ф.Ш. Мухамеджанов, Х.А. Исмагилов, В.А. Скрыльников каби олимлар томонидан сув омборларида юз берадиган жараёнлар, яъни сув омборларини лойқа босиши ва ундан бўладиган сув йўқотишларни ҳисоблаш усуллари кенг кўламда ўрганилган ва уларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган.

Ҳозирги вақтда республикамызда йилнинг сувлилик даражасини ҳисобга олиб сув омборлари иш режимини такомиллаштириш ва лойқа босиш натижасида сув омбори сифимининг камайиши ва сувнинг бесамар йўқолишини камайтириш бўйича назарий асосларини ишлаб чиқиш, сув баланси ҳисоби ва замонавий янги информатион технологиялар асосида сонли ҳисоблаш усулларини қўллаш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган. Шу сабабли сув омборларининг такомиллашган иш режимини йилнинг сувлилик даражасини ва сув омборида сув сатҳининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш сув омборларидан самарали фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда йилнинг сувлилик даражасини ҳисобга олиб, сув омбори косасига чўккан лойқа ҳажми, буғланиш ва фильтрацияга йўқоладиган сув миқдорини аниқлаш ва уларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш каби муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №1.8- Сув танқислиги шароитида гидромелиоратив тизимлардан ва сув омборлари (гидроузеллар)дан фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш (2012-2015 йй.); №1.7-Ирригация тизимлари, гидротехник иншоотлар ва сув омборларнинг гидравлик ва гидрологик жараёнларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш (2016-2020 йй.); Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг КХА-7-083-II сон “Дарёнинг қуйи оқими учун салбий оқибатларни пасайтиришни таъминловчи сув омборлари иш режимини такомиллаштириш: Амударёнинг Туямўйин гидроузели мисолида” (2009-2011) ва КХА-7-087-2015 сон “Юқори антропоген таъсирлар шароитида ўзан жараёнларини моделлаштириш: Амударёнинг Туямўйин гидроузелидан қуйи оқими мисолида” (2015-2017 йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади текислик дарёларидаги сув омбори гидрологик режимининг юқори бўёф ўзан жараёнларига таъсирини инобатга олиб, сув омборларининг иш режимини янги информацион технологияларни қўллаган ҳолда такомиллаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

сув омборлари гидрологик режимларининг ўзгаришини йилнинг сувлилик даражасини инобатга олиб таҳлил қилиш;

Туямўйин сув омборининг сув балансини ҳисобини сув омбори косасидаги ўзан жараёнларини инобатга олиб такомиллаштириш;

сув омбори иш режимини ГАТ технологиялардан фойдаланган ҳолда йилнинг сувлилик даражаси ва сув сатҳининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда Visual Basic дастури асосида ишлаб чиқиш;

сув омборларининг сув исрофларига таъсир этувчи омилларни инобатга олиб сув омборларининг ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектлари сифатида Туямўйин гидроузели (ТМГУ) таркибидаги Ўзан, Капарас, Султонсанжар, Қўшбулоқ сув омборлари, Дарғонота ва Туямўйин гидростлари олинган.

Тадқиқот предмети сув омборлари ва уларнинг иш режими, сув омбори косасининг лойқа билан тўлиш жараёни, сув сатҳи ва сув омбори косасидан сувнинг буғланиши, сув омборида бўладиган фильтрация жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида мавжуд маълумотларни жамлаш, дала-кузатувининг умумий қабул қилинган стандарт усуллари, математик ва гидравлик моделлаштириш ва уларни сонли ечиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув омборлари гидрологик режим маълумотлар базаси онлайн ахборот

алмашинувини таъминловчи дастур асосида ишлаб чиқилган;

сув омбори фойдали ҳажмининг ўзгаришини ҳисоблаш усули йилнинг сув билан таъминланганлиги ва сув омбори сатҳининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

сув омборини лойқа босган ҳажмини ҳисоблаш усули сув сатҳининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

сув омбори иш режимини ҳисоблаш компьютер дастури ва ГАТ модели йилнинг сувлилик даражаси ва сув омбори ўзанидаги жараёнларини инобатга олиб ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сув омборлари гидрологик режим маълумотларининг онлайн маълумотлар базаси ишлаб чиқилган;

сув омбори фойдали ҳажмининг ўзгаришини йилнинг сув билан таъминланганлиги ва сув омбори сатҳининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

йилнинг сувлилик даражаси ва сув омбори ўзанидаги жараёнларини ҳисобга олган ҳолда сув омбори иш режимининг компьютер дастури ва ГИС модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ечимларни ишлаб чиқишда умум қабул қилинган гидравлик қонунлар ва синовдан ўтган математик усулларга асосланганлиги, олинган натижалар амалда ўтказилган тадқиқотлар натижалари билан солиштирилганлиги, ҳамда бошқа олимлар томонидан олинган маълумотлар билан таққослаб текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти компьютер ҳисоблаш дастурини ишлаб чиқиш асосида сув омборларининг иш режимини йилнинг сувлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш, сув омборини лойқа билан тўлишини секинлаштириш, сув балансини ҳисоблаш, ГАТ дастурлари маълумотлар базаси ва хариталар яратилганлиги, компьютер ҳисоблаш дастурининг алгоритми ва ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини оширишда йилнинг сувлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда сув омборларининг такомиллашган иш режимини ишлаб чиқиш, сув омборини лойқа босиши жараёнини секинлаштириш орқали унинг ишлаш давомийлигини ошириш ва унинг фойдали ҳажмини олдиндан башоратлаш, сув омбори сув сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сув омборлари иш режимини такомиллаштириш, сув омборининг сув ҳажмини олдиндан башоратлаш ва уларнинг эксплуатация қилишда энг оптимал режимини танлайдиган компьютер дастуридан фойдаланиб олинган натижалар асосида:

сув омбори фойдали ҳажмининг ўзгаришини ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Туямўйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармасига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил

12 апрелдаги 03/25-1512-сон маълумотномаси). Натижада сув ҳажми $W=f(H)$ ва юза $F=f(H)$ эгри чизиқлар графиги қурилган ва сув омборларининг фойдали ҳажмининг аниқ миқдорини аниқлаш имкони яратилган;

сув омбори иш режимини ҳисоблаш компьютер дастури Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Туямўйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармасига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 03/25-1512-сон маълумотномаси). Натижада йилига Ўзан сув омборини лойқа босиш жараёнини 1,0...1,5 млн м³ га камайтириш, пастки бьефга ўтаётган сув лойқалигини 0,1 кг/м³ га ошириш, сув омбори косасидан бесамар йўқолаётган сув миқдорини кўп сувли йилларда - 7 %, ўртача сувли йилларда -13 % га камайтириш ва сув кам йилларда сув билан таъминланганликни 2-2,3 км³ (36%)га, ўртача сувлиликда 0,5-0,67 км³ (5-6%)га кўтариш имкони яратилган;

сув омборлари гидрологик режим маълумотлар базаси ва ГАТ модели Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Туямўйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармасига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 03/25-1512-сон маълумотномаси). Натижада сув ресурсларини тўғри тақсимлаш, сув балансини ҳисоблашда сув омбори косасида фойдасиз сув ҳажмини аниқлаш, ҳамда сув йўқотишларни камайтириш эвазига 320-400 млн м³ сувни тежаш, 35-48 минг га майдоннинг сув таъминотини яхшилаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика ва институт миқёсидаги 27 та анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган, шу жумладан 9 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 37 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр қилинган, 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида Ўзбекистонда ва жаҳонда ўтказилган тадқиқотлар асосида диссертация мавзусининг зарурияти ва долзарблиги асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот

натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сув омборларининг юқори бўефидаги ўзан жараёнларига таъсирини ўрганиш”** деб номланган биринчи бобида мавжуд тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Сув омборларининг дарё гидрологик режимига таъсири ва бунда рўй берадиган ўзан жараёнлари И.И. Леви, С.Т. Алтуни, Г.И. Шамов, М.А. Великанов, А.В. Караушев, А.Н. Гостунский, К.И. Россинский, И.А. Кузьмин, М.А. Мостков, И.А. Молдованов, И.А. Шнеер, В.Г. Саноян, В.С. Лапшенков, А.М. Мухамедов, К.Ш. Латипов, И.А. Бузунов, Ф.Ш. Мухамеджанов, Х.А. Исмагилов, В.А. Скрыльников, А.М. Арифжанов, А.Х. Садыков, Ф.А. Гаппаров каби кўплаб миллий ва чет эл олимлари томонидан ўрганилган. Сув омборларининг юқори бўефида юз берадиган жараёнларни аниқлаш ва ҳисоблашда уларнинг ўзига хослигини ҳисобга олувчи қатор усуллар ишлаб чиқилган бўлиб, бу усулларда оқим элементларининг узлуксиз ўзгаришини ҳисобга олинмаган. Дала тадқиқот ишлари натижасида танлаб олинган створларда оқимнинг лойқа олиб юриш қобилиятининг фарқи ва оқим хусусиятларининг узлуксиз ўзгаришини ҳисобга олиб лойқа босиш ҳажмлари аниқланган.

Сув омборлари сув балансини ҳисоблашда йўқотилган сув миқдорини аниқлаш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Буғланишга йўқотилган сув миқдорини аниқлашда В.И. Кузнецов, В.С. Голубев, Т.Г. Федоров, Б.Е. Милькис, Н.С. Орлов, В.Н. Рейзвих, А.Б. Попов каби кўплаб олимларнинг ишлари муҳим ўрин тутди. Б.Е. Милькис, Н.С. Орлов, В.Н. Рейзвих, А.Б. Попов, Ф.А. Гаппаровлар томонидан Ўрта Осиё ҳудудлари учун энг яхши натижа кўрсатган формулалар таклиф этишган. Н.Н. Биндеман, Дюпюи, Н.Н. Веригин, В.С. Вуглински, С.В. Завилейскилар изланишлари фильтрацияга йўқотилган сув миқдорини аниқлашда табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда аниқ тадқиқот объектларига қаратилган.


Юқорида келтирилган ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, сув омборларининг юқори бўефида лойқа босиш жараёнларни, сув омборларидан фильтрация ва буғланишга йўқотилган сув миқдорини ўзан ва оқим хусусиятларининг узлуксиз ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда қўшимча тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Сув омборлари сув сиғимини башоратлаш, сув балансини ҳисоблаш ва мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг янгича ечими замонавий информатсион технологиялар ёрдамида ҳисоблаш масалалари бир тизим ҳолатида етарлича ёритилмаган.

Диссертациянинг **“Сув омбори иш режимининг сув йўқотишга ва унинг ҳажмига таъсирининг дала тадқиқотлари”** деб номланган иккинчи бобида дала тадқиқотлари методикаси, дарё ва сув омборининг гидравлик тавсифлари, сув омбори иш режимининг сув йўқотишга таъсири, сув омборларидан фойдаланиш давомида уларнинг асосий ишлаш кўрсаткичлари ва самарадорлиги таҳлил қилинган ва баҳоланган. Бобнинг дастлабки қисмида тадқиқот объекти сифатида танланган Туямўйин гидроузели (ТМГУ) дан олинган ва изланишларда фойдаланилган маълумотлар билан бирга уларнинг

аҳамияти баҳоланди. Ушбу таҳлиллар учун административ маълумотлар, дала тадқиқотидан олинган маълумотлар ва Ўзгидромет маълумотлари жамланди.

Жамланган маълумотлар асосида дарёнинг Дарғонота гидропостида сув миқдори охириги 30 йил (1990-2019 йй.) да йиллик сув миқдори $12,73 \text{ км}^3$ - min дан 53.80 км^3 - тах гача ва ойига ўртача сув сарфи $182 \text{ м}^3/\text{с}$ - min дан $4500 \text{ м}^3/\text{с}$ - тах гача ўзгаргани аниқланди.

Амударёнинг йиллик сув сарфи ва оқим миқдорининг 50 йилдан ортиқ маълумотларини таҳлил қилиш натижасида йилнинг сувлилик даражаси ҳар 3-4 йилда кам сувли, ўртача сувли ва кўп сувли йиллар кузатилиши аниқланди (1-расм).



1-расм. Амударёнинг Дарғонота кузатув гидропостидан олинган ўртача йиллик сув сарфи ва йиллик оқим ҳажми маълумотлари

Амударёнинг лойқа оқизиғи ТМГУ қурилишидан олдин ва қурилгандан ҳозирги кунга қадар бўлган давр таҳлил қилиниб, қуйидаги хулосага келинди:

1981 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда ўртача ойлик лойқа сарфи Дарғонота гидропостида $250-18000 \text{ кг/с}$ ва Туямўйин гидропостида $6,3-1400 \text{ кг/с}$ гача ўзгарган. 1981 йилда оқимнинг ўртача йиллик лойқа миқдори Дарғонота гидропостида $1,07 \text{ кг/м}^3$ ва Туямўйин гидропостида $0,62 \text{ кг/м}^3$ гача ўзгаргани кузатилди.


1982-1990 йилларда оқимнинг ўртача йиллик лойқа миқдори Дарғонота гидропостида $1,01$ дан $2,48 \text{ кг/м}^3$ гача ва ўртача ойлик миқдорининг максимал ва минимал қиймати $0,33$ дан $6,30 \text{ кг/м}^3$ гача ўзгарганлиги, Туямўйин гидропостида $0,07$ дан $0,187 \text{ кг/м}^3$ гача ва ўртача ойлик миқдорининг максимал ва минимал қиймати $0,02$ дан $1,30 \text{ кг/м}^3$ ўзгарган.

Кейинги 1991-2019 йилларда оқимнинг ўртача ойлик лойқа миқдори Дарғонота гидропостида $0,30$ дан $7,0 \text{ кг/м}^3$ гача ва Туямўйин гидропостида $0,016$ дан $1,8 \text{ кг/м}^3$ гача ўзгаргани аниқланди.

Ўзан сув омборида сувнинг димланиши натижасида юқори бўефида лойқа тўпланиши ва пастки бўефига деярли тиниқ сув ўтиши куз ва қишки мавсумларда минимал лойқа миқдори $0,02-0,08 \text{ кг/м}^3$ ва ёзда лойқаликнинг

максимал $1,8 \text{ кг/м}^3$ кўрсаткичлари кузатилди. Сув омбори сув сатҳи $\nabla 118 \text{ м}$ белгига пасайганда пастки бьефда лойқа миқдори $1,10\text{-}1,80 \text{ кг/м}^3$ ни ташкил қилиб, унинг йиллик ҳажми 4 дан 10 миллион тоннани ташкил этди.

Сўнгги 33 йил ичида (1985-2018 йиллар) сув омборининг лойқа билан тўлиш даражаси йилига ўртача $32,2 \text{ млн м}^3$ ни ташкил этган, шу билан бирга 1991-1992 йилларда 222 млн м^3 ва 1998 йилда 108 млн м^3 лойқа тўпланган, бу 330 млн м^3 ни ташкил қилади. Ушбу даврнинг қолган 17 йилида атиги 30 млн м^3 чўкинди йиғилган (2-расм).




2-расм. Ўзан сув омборида сув ва лойқа ҳажмининг ўзгариши

Шундай қилиб, сув омбори сатҳи $\nabla 126 \text{ м}$ дан $\nabla 130 \text{ м}$ гача ўзгарганда лойқа 71 % дан 100 % гача, $\nabla 120 \text{ м}$ дан $\nabla 124 \text{ м}$ гача ўзгарганда лойқа 30 % дан 80 % гача, $\nabla 118 \text{ м}$ дан $\nabla 124 \text{ м}$ гача ўзгарганда эса лойқа чўкиши 0 дан 44 % гача ўзгариши аниқланди. Кам сувли йилларда $\nabla 118 \text{ м}$ дан $\nabla 124 \text{ м}$ гача белгиларида лойқа ювилиши кузатилди, бу эса лойқа чўкиш фоизини 10-50 % гача, $\nabla 124 \text{ м}$ дан $\nabla 130 \text{ м}$ белгиларда 50-100 % га пасайганлиги аниқланди.

Дала тадқиқотлари ва сув омбори узунлиги бўйича лойқа ҳажмининг жойлашуви таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзан сув омборининг юқори қисмига ёзги тошқин пайтида катта миқдорда чўкиндилар тўпланиши кузатилди.


1996-2018 йиллар давомида ТМГУ сув омборларидан сув юзасидан буғланишнинг ўртача йиллик ҳажми $342,3 \text{ млн м}^3$, сув омборларининг қурилганидан бошлаб $35,4 \text{ млн м}^3$ ни ташкил қилди. Буғланиш ҳажми кўп жихатдан сув омборларининг ишлаш режимида боғлиқ бўлиб, сувнинг ўртача буғланиш қатламининг ўзгариши йилига $760,3 \text{ мм}$ ни ташкил қилди.

Сув сатҳи юзасидан ўртача йиллик буғланиш ҳажми $342,25 \text{ млн м}^3$ ни ва лойқа қатлами юзасидан буғланиш ҳажми $35,41 \text{ млн м}^3$ ни, умумий буғланиш $377,66 \text{ млн м}^3$ ни ташкил қилди (3-расм).



3-расм. ТМГУ сув омборлари мажмуасининг сув сатҳи ва лойқа қатлами юзасидан буғланишнинг йиллик миқдори, млн м³

Йилнинг сувлилик даражасини ҳисобга олиб сув омборлари иш режимини таҳлил қилиш натижасида, асосан кўп сувли йилларда сув омбори сатҳининг $\nabla 126$ м дан $\nabla 130$ м гача, ўртача сувли йилларда $\nabla 120$ м дан $\nabla 130$ м гача ва кам сувли йилларда $\nabla 118$ м дан $\nabla 130$ м гача ўзгаргани кузатилди. Буғланиш миқдорининг ортиши кўп ва ўртача сувли йилларда май, июнь, июль ва август ойларида кузатилди (4-расм).



4-расм. Кам сувли, ўртача сувли ва кўп сувли йиллар учун ТМГУ сув омборлари мажмуасининг сув сатҳларидан буғланиш ҳажмининг йиллик тақсимооти

Сув омборларининг амалдаги режимлари учун фильтрацияга сув йўқотишларининг ўртача йиллик сарфи:

кам сувли йилларда $Q_{\text{ўр.йил}} = (0.107-0.115) \text{ м}^3/\text{с};$

ўртача сувли йилларда $Q_{\text{ўр.йил}} = 0.122 \text{ м}^3/\text{с};$

кўп сувли йилларда $Q_{\text{ўр.йил}} = 0,125 \text{ м}^3/\text{с}.$

ТМГУ сув омборлари мажмуасининг турли хил иш режими таъсирида фильтрация учун сув йўқотилиши $\sim 0,23-0,44 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил қилди.

Фильтрация учун йиллик сув йўқотиш $3,5-5,0 \text{ млн м}^3$ ни ташкил этади ва ТМГУ сув омборларидан олинадиган сувнинг бир фоизини ташкил қилди.



5-расм. Туямўйин гидроузелидан фильтрацияга йўқотилган йиллик сув ҳажми (млн м³) ва сув сарфи (м³/с)

Диссертациянинг “Сув омбори иш режимининг компьютер моделини ишлаб чиқиш орқали сув омборларининг сув балансини ҳисобланиш усулларини такомиллаштириш” деб номланган учинчи бобда сув омборларининг ишлаш режимига қараб сувнинг буғланишга ва фильтрацияга йўқотилишини ҳисоблаш усули, сув омбори косасининг лойқалигини ҳисоблаш усули ва яратилган компьютер дастури ёрдамида ҳисобланган маълумотларнинг таҳлили келтирилган.

ТМГУ сув омборларидан буғланишни ҳисоблаш усулининг асоси сифатида турли хил ташкилотлар ва идоралар тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати ва ИСМИТИ (САНИИРИ) томонидан олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланилди ва ТМГУ сув омборларининг сув юзасидан буғланиш қатлами Ўзгидромет томонидан қабул қилинган минтақавий формулага мувофиқ ҳисоблаб чиқилди.

$$E = 0.16n(e_0 - e_{200})(1 + 0.635U_{200}) \quad (1)$$

бу ерда: e_0 - сув буғининг максимал таранглигининг ўртача қиймати, мб; e_{200} - ҳисобланган вақт оралиғида резервуар сатҳидан 200 см баландликда бўлган ҳаво намлигининг ўртача қиймати, мб; U_{200} - резервуар сатҳидан 200 см баландликда шамол тезлигининг ўртача қиймати, м/с.

Ҳисоблаш вақтида ТМГУ сув омборларидан буғланиш ҳажми ҳар бир сув ҳавзаси учун алоҳида, ҳар бирининг сув сатҳи ўзгариш режимида мос келувчи юза майдонига қараб ҳисобланади.

Ҳисоблаш даври учун ТМГУ сув омборларидан буғланишнинг умумий ҳажми қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$\sum W_{\text{бу}} = \frac{E(F_{\text{й.ю}} + F_{\text{к.ю}} + F_{\text{сс+к.ю}})}{1000} \quad (2)$$

бу ерда: E - ҳисоблаш даври учун сув юза майдонидан буғланиш қатлами, мм; $\sum W_{\text{бу}}$ - сув юза майдонидан буғланишнинг умумий ҳажми, млн м³; $F_{\text{й.ю}} + F_{\text{к.ю}} + F_{\text{сс+к.ю}}$ - ҳар бир сув ҳавзасининг юза майдони эгри чизиғи билан аниқланадиган, ҳисобланган даврдаги сувнинг ўртача сатҳга мос келадиган сув ҳавзаларининг юзаси, км².

Сув омборини сувдан бўшатишда сув сатҳи 2,5 м ва ундан пастрок тушганда, сув омборининг сувдан бўшаган қисмидан буғланиш қатлами қуйидаги формула бўйича аниқланди:

$$E_t = E_0 e^{-0.03t} \quad (3)$$

бу ерда: E_t - t вақт оралиғининг давомийлигидаги буғланиш даражаси; E_0 - ҳисоблаш даврининг дастлабки пайтидаги буғланиш даражаси ва намлик кам бўлган ҳудудлар учун:

$$E_0 = 1.3 \frac{E}{n}$$

бу ерда: t - вақт оралиғининг давомийлиги; E - ҳисоблаш даврида сув юзасидан буғланиш қатлами; e - табиий логарифм асоси (2,718); n - ҳисоблаш давридаги кунлар сони.

Ҳисоблаш даври учун умумий буғланиш қатламининг миқдори қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$E_n = E_0 \int_n^0 e^{-0.03n} dn. \quad (4)$$

Сув сатҳи пасайиб бориши, яъни ҳисоблаш даври (ой) давомида сув омборидаги сув сатҳи 2,5 метрдан кам бўлган ҳолат учун сув омборининг сувдан бўшаган қисмидан буғланиш қатлами сув сатҳи юза майдонидан буғланиш қатламининг 2/3 қисми қабул қилинади:

$$E_0 = \frac{2}{3} E. \quad (5)$$

Ҳисоблаш даври учун сув омборининг сувдан бўшаган қисмидан буғланиш ҳажми қуйидагича аниқланди:

Агар $h_{\text{и.бош}} - h_{\text{и.сўн}} \geq 2,5\text{м}$, унда

$$W_{\text{и.буғ}} = W'_{\text{и.буғ}} + W''_{\text{и.буғ}} \quad (6)$$

бу ерда: $W'_{\text{и.буғ}} = (F_{\text{и.бош}}^{\text{хис}} - F_{\text{и.сўн}}^{\text{хис}}) E_{\text{ни}}$; $W''_{\text{и.буғ}} = (F_{\text{и.бош}}^{\text{лойх}} - F_{\text{и.бош}}^{\text{хис}}) E_{\text{ни}}$

$h_{\text{и.бош}}, h_{\text{и.сўн}}$ - сув омборидаги дастлабки ва якуний сув сатҳи; $F_{\text{и.бош}}^{\text{хис}}, F_{\text{и.сўн}}^{\text{хис}}$ - ҳисоблаш даври учун сув сатҳи юза майдони; $F_{\text{и.бош}}^{\text{лойх}}$ - лойихавий сув сатҳи юза майдони; $E_{\text{ни}}$ - ҳисоблаш даври учун умумий буғланиш қатлами.

Агар $h_{\text{и.бош}} - h_{\text{и.сўн}} < 2,5\text{м}$, унда

$$W_{i \text{ буг}} = (F_{h_{i.бош}}^{лойх} - F_{h_{i.бош}}^{хис}) \frac{2}{3} E_{ni} \quad (7)$$

Агар $h_{i.бош} < h_{i.сүн}$, унда

$$W_{i \text{ буг}} = 0. \quad (8)$$

Сув фильтрацияга йўқотилиши ва лойқа катламларида тўпланиши бошланғич ҳолатда, сув омборини тўлдириш ва уни сувдан бўшатиш чуқурлиги ва унинг ўзгарувчанлигига боғлиқ бўлиб, сув балансини ҳисоблашда ушбу ҳажмларни ҳисобга олиш керак. Таҳлиллар натижасидан маълум бўлдики, амалдаги иш режимида сув йўқотилиши 110 дан 180 млн м³ гача ва лойқа катламларида тўпланиши 120-190 млн м³ ни ташкил қилди.

Сув омбори косасига лойқа чўкиш даражасини аниқлашда муаллақ лойқа оқизикларини олиб юриш қобилятига эга бўлган ўзани шакллантирувчи ҳажм $W_{\dot{y}}$ ва сув омбори бошланғич ҳажми $W_{бош}$ вақт оралиғида ўзгариши ҳисобга олинган.

Дала ва лаборатория тадқиқотларидан олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, оқимнинг лойқалик даражаси икки босқичга бўлинади: биринчи босқичда лойқа чўкиш коэффициенти ε ўзгармас ва амалда $\varepsilon = 1$ га

тенг; иккинчи босқичда $\frac{W_{\dot{y}}}{W_{бош}}$ нисбатнинг ўсиб бориши давомида лойқа чўкиш

коэффициенти $0 \leq \varepsilon \leq 1$ оралиқда ўзгариб боради. Биринчи босқичдан иккинчи босқичга ўтиш мезони $\frac{W_{\dot{y}}}{W_{бош}} = 0,12$ га тенг. Ушбу мезонга асосан,

агар сув омбори сифими $\frac{W_{бош} \leq W_{\dot{y}}}{0,12} = 8,33W_{\dot{y}}$ шартни қониктирса, лойқа босиш

жараёни иккинчи босқич билан чегараланади.


Сув омборини лойқа босиши ҳажми ва муддатини башорот қилишда, уни тўлдирилаётган ёки бўшатилаётгандаги сув сатҳларига мос кўрсаткичлар эътиборга олинди. Ҳисобий давр учун сув омбори ҳажми қуйидаги формула билан аниқланди:

$$W_{n(n)} = \frac{W_{бош} W_{\dot{y}.б} (\nabla_{BC} - \nabla_{TC})}{\nabla_{BC} - \nabla_{TC}} \quad (9)$$

ушбу ҳолатда лойқа чўкиш коэффициенти қуйидагига тенг:

$$\varepsilon = 0.041 \left(\frac{\nabla_{НДС} - \nabla_{TC}}{\nabla_{BC} - \nabla_{TC}} \frac{W_{\dot{y}}}{W_{\phi}} \right)^{-1.5} \quad (10)$$

бу ерда: $\nabla_{НДС}$ - нормал димланган сатҳ; W_{ϕ} - нормал димланган сатҳдаги сув омборининг фойдали ҳажми, млн м³; ∇_{BC} - сув омборининг ҳисобий давр учун бошланғич сатҳи; ∇_{TC} - сув омбори ҳажми ўзани шакллантирувчи ҳажмга тенг бўлгандаги туташин сатҳи. Туташин сатҳи ∇_{TC} ўзан ва сув омбори графикларининг кесишган нуқтасига тенг (6-расм).



6-расм. Ўзан сув омбори ва ўзани шакллантирувчи ҳажм сигмини аниқлаш графиги

Сув омборларидан фойдаланиш даврида унинг сув сатҳи ўзгарувчан бўлади ва лойқа босиш жараёнига таъсир кўрсатади. Лойқа ҳажмини аниқлаш икки босқичда амалга оширилди:

1-босқич. Агар сатҳнинг ўзгариши $\nabla_{НДС}$ дан $\nabla_{ТС}$ гача бўлган ораликда ўзгарса, сув омборини лойқа босиши жараёни кузатилади. Бунда сув омборини бўшатиш ва тўлдириш жараёнида оқизиклар чўкиши ҳажми қуйидаги формулаларга асосан аниқланади:

сув омборини сувдан бўшатиш даврида:

$$\Delta W_{чўк} = 1.2 \rho_{кир} W_{кир} \varepsilon \quad (11)$$

сув омборини тўлдириш даврида:

$$\Delta W_{чўк} = 1.2 \rho_{кир} \left[\left(W_{кир} - \frac{W_{кир} W_{бош}}{W_{сўн}} \right) (1 - \varepsilon) \right] \quad (12)$$

бу ерда: $\rho_{кир}$ —сув омборига кириб келаётган оқим лойқалиги, кг/м³; $W_{кир}$ —кириб келаётган сув ҳажми, млн м³; $W_{бош}, W_{сўн}$ — бошланғич ва сўнги ҳажмлар, млн м³; ε - лойқа чўкиш коэффиценти.

2- босқич. Сатҳларнинг уч ҳил ҳолати учун аниқланади:

А) Агар $\nabla_{БС} > \nabla_{ТС}$ ва $\nabla_{СС} < \nabla_{ТС}$ бўлганда чўкиндиларнинг ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$\Delta W_{чўк} = 1.2 \rho_{кир} \frac{W_{кир} (\nabla_{БС} - \nabla_{ТС}) \varepsilon}{\nabla_{БС} - \nabla_{СС}} \quad (13)$$

Сув омборида сув сатҳининг белгиси туташиб сатҳидан пастда бўлганда чўкиндилар ювилиб пастки бьефга ўтади ва уларнинг ҳажми ушбу формула билан аниқланади:

$$\Delta W_{\text{чўк}} = 1.2 \rho_{\text{кўш}} \left[W_{\text{кир}} - \frac{W_{\text{кир}} (\nabla_{\text{БС}} - \nabla_{\text{ТС}}) \varepsilon}{\nabla_{\text{БС}} - \nabla_{\text{СС}}} + (W_{\text{ТС}} - W_{\text{сўн}}) \right] \quad (14)$$

бу ерда: $\rho_{\text{кўш}}$ – оқимга сув омбори косасидан чўкиндиларнинг ювилиши ҳисобига бўладиган кўшимча юклама, кг/м³. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\rho_{\text{кю}} = \frac{B_{\text{ў}}^1 (\nabla \sum \text{чўк} - \nabla_{\text{СС}}) \mu}{1,2 i Q_{\text{кел}}^1} \quad (15)$$

бу ерда: μ – чўкиндининг ювилиш жадаллиги, мм/сек; $\nabla \sum \text{чўк}$ – жами чўкинди ётқизиқлар белгиси, лойиҳавий ҳажмлар графигига асосан белгиланади; $Q_{\text{кел}}^1$ – ўртача ойлик сув келиш сарфи, м³/с; $B_{\text{ў}}^1$ – сув келиш сарфига мос бўлган ўзан кенглиги, м.

Б) Агар $\nabla_{\text{БС}} < \nabla_{\text{ТС}} > \nabla_{\text{СС}}$ бўлганда туб чўкиндилар оқим билан пастки бўефга ювилади ва унинг ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$\Delta W_{\text{чўк}} = 1.2 \rho_{\text{кю}} W_{\text{ў}}^1 \quad (16)$$

$$\text{бу ерда: } W_{\text{ў}}^1 = Q_{\text{кел}}^1 \frac{\nabla_{\text{ТС}} - \nabla_{\text{СС}}}{\mu}$$

Агар $W_{\text{ў}}^1 > W_{\text{кел}}$ бўлса, ҳисоб учун $W_{\text{кел}}$ қабул қилинади. Ўзан кенглиги ушбу формула билан аниқланади:

$$B_{\text{ў}}^1 = \frac{Q_{\text{ў}}^1}{g_{\text{ў}} H_{\text{ў}}} \quad (17)$$

бу ерда: $g_{\text{ў}}$ – ўртача оқим тезлиги $g_{\text{ў}} = 1,0 \div 1,2$ м/с; $H_{\text{ў}}$ – турғун ўзан чуқурлиги, м.

В) $\nabla_{\text{БС}} < \nabla_{\text{ТС}}$ ва $\nabla_{\text{СС}} > \nabla_{\text{ТС}}$ шартда сув омбори тўлдирилиши жараёни юз беради. Бу ҳолда ювилиш ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$\Delta W_{\text{юув}} = 1.2 \rho_{\text{кю}} \left[\frac{W_{\text{кел}} (\nabla_{\text{БУ}} - \nabla_{\text{ТС}})}{\nabla_{\text{БС}} - \nabla_{\text{СС}}} + (W_{\text{бош}} - W_{\text{сўн}}) \right] \quad (18)$$

Сув омборида сув сатҳининг тутатиш сатҳи $\nabla_{\text{ТС}}$ дан сўнги ҳисобий сатҳ $\nabla_{\text{СС}}$ гача кўтарилишида чўкиндилар ҳажми қуйидагича аниқланади:

$$\Delta W_{\text{чўк}} = 1.2 \rho_{\text{кю}} \left[\left(W_{\text{кел}} - \frac{W_{\text{кел}} (\nabla_{\text{БС}} - \nabla_{\text{ТС}})}{\nabla_{\text{БС}} - \nabla_{\text{СС}}} \right) - \left(\left(W_{\text{кел}} - \frac{W_{\text{кел}} (\nabla_{\text{БС}} - \nabla_{\text{ТС}})}{\nabla_{\text{БС}} - \nabla_{\text{СС}}} \right) \frac{W_{\text{ТС}}}{W_{\text{сўн}}} \right) (1 - \varepsilon) \right] \quad (19)$$

Шундай қилиб, сув омборларидан йўқотилаётган сув микдори ва лойқа босиши ҳажмини аниқлашда йилнинг сувлилик даражаси эътиборга олинди.

Диссертациянинг **“Сув сиғимининг камайиши, фильтрация ва буғланишни ҳисобга олган ҳолда ТМГУ сув омборининг ишлаш режими учун тавсиялар”** деб номланган тўртинчи бобида сув омбори иш режимининг модели асосида Туямўйин сув омборлари иш режими учун тавсиялар келтирилган. Бунда йилнинг сувлилик даражасига қараб сув омборларининг

тўртта иш режими кўриб чиқилди. Ҳар бир режимда истеъмолчиларнинг талабларини максимал даражада қондириш, сув омборларидаги сувнинг самарасиз йўқотилишини минималлаштириш ва Ўзан сув омборининг лойқа билан тўлиш жадаллигини камайтириш ҳисобга олинади.

Кам сувли йил учун – 90 % таъминланганлик 20-25 км³ бўлганда Ўзан сув омборига апрель ойида, ортиқча сув келиши кузатилса тўлдирилади. Май ойида - яна ∇118 м гача сувдан бўшатилади. ∇ 125 м гача тўлдириш июнь охирида бошланади (тошқиннинг энг юқори даражаси). Кейин, август ойи охирига қадар дарё суви Капарас сув омборини тўлдириш учун ишлатилади. Ортиқча сув мавжуд бўлса, Ўзан сув омбори, иложи бўлса, ∇130 м гача тўлдирилади. Капарас сув омбори июнь ойига қадар аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга ишлайди. Июль ойида суғориш эҳтиёжлари учун ∇118 м гача (агар захира мавжуд бўлса) ва ичимлик эҳтиёжлари учун ишлатилади. Июль ойида унинг минимал миқдори ∇125 м белгигача кўтарилади. Султонсанжар - Қўшбулоқ сув омборлари сув ҳажми январдан март ойининг охиригача сақланиб қолади. Апрель-июнь ойларида сув омборлари ишга туширилади ва июль-август ойларида Ўзан ва Капарас сув омборларини тўлдириш учун сарфланган сув ҳажмини қоплаш мақсадида суғориш эҳтиёжлари учун зарур бўлган сув ҳажми (≈ 1100 млн м³) пастки бўёфга ташланади. Бу жараён тиниқ сув ташлаш канали орқали сув сатҳини ∇116 м гача пасайтириш йўли билан амалга оширилади. ∇127 м гача тўлдириш сентябрь ойидан бошланади ва февралгача давом этади.

Сув омборларидаги сув захираларидан фойдаланиш ҳар бир ҳисоблаш даври учун сувнинг етишмаслиги билан мутаносиб равишда амалга оширилади.

Ўта кам сувли йилларда Капарас сув омбори йил бошидан охиригача фақат аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга ишлайди.

Ўртача ва кўп сувли йилларда Ўзан сув омбори апрель-июнда ∇118-120 м белгиларда ишлатилади, июль-августда Капарас сув омборини сув билан тўлдириш мақсадида ∇125-130 м белгигача сув сатҳи кўтарилади, сентябрь-январь ойларида Султонсанжар ва Қўшбулоқ сув омборларини нормал сатҳгача тўлдириш учун фойдаланилади. Май-август ойларида Султонсанжар ва Қўшбулоқ сув омборлари суғориш эҳтиёжлари учун тиниқ сув канали орқали сув омборининг сатҳи ∇116 м белгига тушгунча ташланади.

ХУЛОСА

“Сув омбори гидрологик режимининг ўзан жараёнларига таъсири” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сув омбори гидрологик режимининг юқори бўёфидаги ўзан жараёнларига салбий таъсири назарий изланишлар ва дала тадқиқотларидан олинган маълумотлар асосида баҳоланди, ҳамда сув омборлари фойдали ҳажмига таъсир этувчи омиллар (буғланиш, фильтрация ва лойқа ҳажми)

аниқланган. Аниқланган омиллар сув омборидаги сув ҳажмининг ўзгариши маълумотлари аниқлигини ошириш имконини беради.

2. Сув омборларини эксплуатация қилиш режими йилнинг сувлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилди. Натижада, сув омборидан бесамар йўқотилаётган сув миқдори ва сув омбори косасини лойқа босиш жадаллигини камайтириш имконияти ошди.

3. Туямўйин сув омборлари гидрологик режимининг онлайн ахборот алмашинувини таъминловчи маълумотлари базаси ва ГАТ харитаси яратилган бўлиб, сув омборларининг гидрологик ва морфологик кўрсаткичлари жамланган. Ушбу маълумотлар базаси юқори бьефда юз берадиган ўзан жараёнларини баҳолаш ва сув омбори косаси ҳажмининг ўзгаришини тезкор аниқлаш имконини беради.

4. Ўзан сув омборда олиб борилган дала тадқиқотлари асосида сув омборидан бесамар йўқотилаётган сув миқдори ва косасини лойқа босиш ҳажмини ҳисоблаш усуллари сув сатҳи ўзгарувчанлигини инобатга олиб такомиллаштирилди. Натижада, сув омборининг фойдали ҳажмини ҳисоблаш аниқлигини ошириш имкони яратилди.

5. Сув омборларининг иш режими Visual Basic ва ArcViewGIS дастурлари ёрдамида ишлаб чиқилиб, Туямўйин сув омборлари учун мослаштирилган. Яратилган дастур сув омборларининг йилнинг сувлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда қуйи бьефга ўтадиган лойқа оқизиклар миқдорини кўпайтириш, кам сувли йилларда тоза ичимлик сувга бўлган талабни қондириш, сув танқислигини максимал қоплаш имконини беради.

6. Тадқиқот натижаларига кўра сув омборларидан фойдаланиш режимини такомиллаштириш Ўзан сув омборида лойқа босиш ҳажмини 1,0...1,5 млн м^3 га камайтиришга, пастки бьефга ўтаётган сувнинг лойқалигини 0,1 $\text{кг}/\text{м}^3$ гача оширишга, сув омбори косасидан бесамар йўқолаётган сув миқдорини кўп сувли йилларда – 7 %, ўртача сувли йилларда – 13 % га камайтириш имконини беради. Натижада сув йўқотишлар 320-400 млн м^3 га камайиб, Амударё қуйи оқимида жойлашган 35-38 минг га майдоннинг сув таъминотини яхшилаш имкони яратилди.

7. Тадқиқот асосида ишлаб чиқилган тавсиялар ва яратилган компьютер дастури Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Туямўйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармасига фойдаланиш учун топширилди. Иқтисодий самарадорлик 1,4-1,52 миллион АҚШ долларни ташкил қилиб, бунга сув омборларидан фойдаланиш режимини такомиллаштириш ҳисобига эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017. Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ХОДЖИЕВ АЛИШЕР КУЛДАШЕВИЧ

**ВЛИЯНИЕ ГИДРОЛОГИЧЕСКОГО РЕЖИМА ВОДОХРАНИЛИЩ
НА РУСЛОВЫЕ ПРОЦЕССЫ (НА ПРИМЕРЕ
ТУЯМУЮНСКОГО ГИДРОУЗЛА)**

05.09.07 - Гидравлика и инженерная гидрология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.4.PhD/T964.

Диссертация выполнена в Ташкентском институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiiame.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Икрамова Малика Рахимбердиевна
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Гловацкий Олег Яковлевич
доктор технических наук, профессор

Фатхуллоев Алишер Мирзатиллоевич
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Кары-Ниязова, д.39, тел. (+99871) 237-22-09, 237-19-61; факс: 237-54-79; e-mail: admin@tiiame.uz.

С докторской диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано №_____) (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары-Ниязова, д.39, тел. (+99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.
(протокол рассылки № _____ от «_____» _____ 2019 г.)

Т.З.Султанов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

А.А.Янгиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

А.М.Арифжанов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертациидоктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Важными задачами в мире являются совершенствование методов определения гидрологических процессов в верхнем бьефе регулирующих сооружений с использованием современных научных достижений, разработка мер по уменьшению бесполезных потерь воды в них и повышению их эффективности. В связи с этим особое внимание уделяется повышению эксплуатационной надежности водохранилищ и снижению степени их заиления, а также разработке улучшенных методов расчета их полезных объемов. В связи с этим в США, Франции, Германии, России, Китае, Южной Корее, Кыргызстане, Таджикистане, Узбекистане и других развитых странах особое внимание уделяется сооружению водохранилищ, анализу процесса заиления и обеспечению их надежной работы при помощи геоинформационных технологий.

В мире особое внимание уделяется целенаправленным научным исследованиям по выявлению негативного влияния гидрологического режима водохранилищ на речной сток и разработку эффективных технологий для их снижения. Одной из основных задач в этом отношении является совершенствование методов расчета объема водохранилищ и разработка рекомендаций по устранению негативных последствий от их эксплуатации.

В настоящее время в нашей республике большое внимание уделяется строительству и модернизации водохранилищ с целью удовлетворения спроса на воду во всех секторах экономики, выявления факторов, влияющих на эффективное использование существующих водных ресурсов, предотвращения потерь воды, заиления, а также осуществлению мер по разработке новых современных методов гидравлических и гидрологических расчетов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы определена задача «...развитие мелиорации и ирригационных объектов для повышения конкурентоспособности национальной экономики»¹. Осуществление этих задач, в том числе научные исследования по совершенствованию режима работы водохранилища с использованием современных технологий с учетом водности года являются одними из главных задач.

Исследования, выполненные в рамках настоящей диссертации, в определенной степени служат реализации задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», «Об эффективном использовании земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» от 17 июня 2019 года, указанных в Постановлении Правительства Республики Узбекистан от 25 сентября 2017 года №ПП-3286 «О мерах по

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов» и других нормативных правовых актах, связанных с этим направлением.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данные исследования выполнены в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Анализ существующей научной литературы, относящейся к данной сфере показывает, что после строительства водохранилищ возникает процесс их заиления в верхнем бьефе, и в результате полного заиления мертвого объема наблюдается дальнейшее уменьшение полезного объема, что приводит к снижению эффективности водохранилища. Решение этих проблем стало одной из главных задач ученых мира. Над изучением процесса деформации верхнего бьефа, расчетом объема заиления на основе полевых исследований, определением объема заиления вели искания такие ученые, как И.И. Леви, С.Т. Алтунин, Г.И. Шамов, М.А. Великанов, А.В. Караушев, А.Н. Гостунский, К.И. Россинский, И.А. Кузьмин, М.А. Мостков, И.А. Молдованов, И.А. Шнеер, В.Г. Саноян, В.С. Лапшенков.

В Узбекистане над совершенствованием теоретических основ объемов заиления с учетом непрерывных изменений характеристик русел и стока работали такие ученые как А.М. Мухамедов, К.Ш. Латипов, И.А. Бузунов, А.М. Арифжанов. Учеными как Ф.Ш. Мухамеджанов, Х.А. Исмагилов, В.А. Скрыльников тщательно изучены процессы, происходящие в водохранилищах, то есть заиление водохранилищ и методы измерения потерь воды и были разработаны методы их расчета.

В настоящее время в республике не уделяется достаточного внимания разработке теоретических основ по совершенствованию режима работы водохранилищ с учетом водообеспеченности года и снижению емкости водохранилища в результате заиления и по уменьшению неэффективных потерь воды, а также применению цифровых методов расчета на основе расчета водного баланса и современных информационных технологий. Поэтому разработка усовершенствованного рабочего режима водохранилищ с учетом водности года и изменений уровня воды в водохранилище играет важную роль в эффективном использовании водохранилищ. На сегодняшний день такие проблемы, как объем заиления чаши водохранилища, измерение объема воды, потерянной при испарении и на фильтрацию, а также совершенствование методов их расчета с учетом водности года, недостаточно изучены.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими планами высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках тем проектов научно-исследовательских работ: №1.8 - «Создание научных основ использования гидромелиоративных систем и водохранилищ (гидроузлов) в условиях дефицита воды» (2012-2015 гг.); №1.7 «Разработка научных основ

эффективного использования ирригационных систем, гидротехнических сооружений и водохранилищ” (2016-2020 гг.) Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства; №КХА-7-083-II “Совершенствование режима эксплуатации водохранилищ, обеспечивающих снижение негативных последствий для низовьев: на примере водохранилища Тюямуюнского гидроузла на р.Амударья» (2009-2011гг.) и №КХА-7-087-2015 «Моделирование русловых процессов реки в условиях повышенных антропогенных нагрузок: на примере реки Амударьи ниже Тюямуюнского гидроузла» (2015-2017 гг.) научно-исследовательского института ирригации и водных проблем.

Целью исследований является совершенствование режима работы водохранилищ равнинных рек с использованием новых информационных технологий, учитывающих влияние гидрологического режима на русловые процессы в верхнем бьефе водохранилищ.

Задачи исследований:

анализ изменений гидрологического режима водохранилищ с учетом водности года;

усовершенствование расчета водного баланса Тюямуюнского водохранилища с учетом русловых процессов в чаше водохранилищ;

